



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 12 - aypen

700 u -son

Bog'ot shaharchasi

Туманда фаолият кўрсатаётган “Bog'ot chorva xarakati servis” МЧЖ га узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

Туманда фаолият кўрсатаётган “Bog'ot chorva xarakati servis” МЧЖ бошлиги З.Аминовнинг “Bog'ot chorva xarakati servis” МЧЖ га ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хulosаларини, кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 53-моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғриси”даги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда фаолият кўрсатаётган “Bog'ot chorva xarakati servis” МЧЖ га Хоразм худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 311, 313к, 325, 326, 327 -контурлардаги жами 11,5 гектар, шундан 11,2 гектар экин ери, 0,3 гектар канал, коллектор ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкасини чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги хақидаги қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хulosаси маъкуллансин.

2. “Bog'ot chorva xarakati servis” МЧЖ бошлиғи (З.Аминов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган Хоразм худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 311, 313к, 325, 326, 327 -контурлардаги жами 11,5 гектар, шундан 11,2 гектар экин ери, 0,3 гектар канал, коллектор ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер участкаси (10 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.


3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокими билан “Bog‘ot chorva xarakati servis” МЧЖ ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ширтномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. “Bog‘ot chorva xarakati servis” МЧЖ бошлиғи (З.Аминов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳамда видоят ҳокимлигидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев.